

# Единый портал корпоративной информации

## Существенные факты

"Navoiydonmahsulotlari" AJ

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	<b>НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА</b>	
	Полное:	"Navoiydonmahsulotlari" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"Navoiydonmahsulotlari" AJ
	Наименование биржевого тикера:	NADM
2.	<b>КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ</b>	
	Местонахождение:	Навоийская область, г. Навои, Ишчилар шаҳарчаси 3
	Почтовый адрес:	Навоийская область, г. Навои, Ишчилар шаҳарчаси 3
	Адрес электронной почты:	<a href="mailto:navoiydon@umail.uz">navoiydon@umail.uz</a> (mailto:navoiydon@umail.uz)
	Официальный веб-сайт:	<a href="https://navoiydon.uz/">https://navoiydon.uz/</a> (https://https://navoiydon.uz/)
3.	<b>ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ</b>	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	внеочередное
	Дата проведения собрания:	19.09.2022

Дата составления протокола собрания:	21.09.2022	
Место проведения собрания:	Навоий ш Ишчилар кучаси 3 уй	
Кворум собрания:	82,80	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“Навоийдонмаҳсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида.	100,0	775 411	0	0	0	0
2	“Навоийдонмаҳсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш	100,0	775 411	0	0	0	0

3	<p>“Навоийдонмаҳсулотлари” АЖ фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни қайта тасдиқлаш, жамиятнинг 9 360,650 млн. сўм соф фойдасини, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 06/04-32/1539-сонли мурожаатига мувофиқ ҳамда “Ўздонмаҳсулот” АКнинг 2022 йил 23 августдаги 17-3/105-1061-сон топшириғига асосан, фойданинг жами 75 фоизини акциядорларга дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш ва акциядорлар муҳокамасига киритиш тўғрисида</p>	100,0	775 411	0	0	0	0
---	---	-------	---------	---	---	---	---

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

1	<p>Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди. Кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги биринчи масала бўйича, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Т.Р. Фамилия, исми ва шарифи лавозими 1 Санакулова Наргиза Рўзикуловна “Навоийдонмахсулотлари” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ҳисобчиси 2 Мўминова Гулчеҳра Абдурасуловна “Навоийдонмахсулотлари” АЖ маркетинги 3 Эргашова Альфия Равильевна “Навоийдонмахсулотлари” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ҳисобчиси Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.</p>
2	<p>Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масала, яъни умумий йиғилишни олиб бориш кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади. Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди: 1. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида. 2. “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш. 3. “Навоийдонмахсулотлари” АЖ фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни қайта тасдиқлаш, жамиятнинг 9 360,650 млн. сўм соф фойдасини, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 06/04-32/1539-сонли мурожаатига мувофиқ ҳамда “Ўздонмахсулот” АКнинг 2022 йил 23 августдаги 17-3/105-1061-сон топшириғига асосан, фойданинг жами 75 фоизини акциядорларга дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш ва акциядорлар муҳокомасига киритиш тўғрисида. Шундан сўнг, йиғилиш раислигига Ғ.Каршибоев, котиблигига жамият ҳуқуқшуноси Д.Хидиров номзодлари таклиф этилди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига кузатув кенгаши раиси Ғ.Каршибоев, аъзолари бошқарув раиси Ш.Шарипов ва бош ҳисобчи О.Йўлдошевлар номзодлари таклиф этилди. Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди</p>

3 Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, Кузатов кенгаши раиси Ғ.Каршибоев сўзга чиқиб, жамият фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни қайта тасдиқлаш, жамиятнинг 9 360,650 млн. сўм соф фойдасини, 2022 йил 24 мартда ўтказилган йил якуни бўйича умумий йиғилиш қарорига асосан 30 фоизини яъни 2 808,194 млн.сўм дивиденд тўлашга йўналтирилган ва акциядорларга ўз вақтида тўлаб берилган, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 06/04-32/1539-сонли мурожаатига мувофиқ ҳамда “Ўздонмахсулот” АКнинг 2022 йил 23 августдаги 17-3/105-1061-сон топшириғига асосан яна 45 фоизини 4 212, 292 млн.сўм дивидендга йўналтириш, шунда фойданинг жами 75 фоизини акциядорларга дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш ва акциядорлар муҳокамасига киритиш тўғрисида. Шунга мувофиқ, “Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти 2021 йил молиявий хўжалик фаолиятини 9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм 51 тийин молиявий натижа билан якунлаган. Жамият фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини қайта тасдиқлаш ҳамда 9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм 51 тийин соф фойдасини: 45 фоизини – 4 млрд. 212 млн. 292 минг. 290 сўмини дивиденд тўлашга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди; Ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун 200 сўмдан жами 312 минг 600 сўм ҳамда ҳар бир оддий акциялар учун 4501,9358 сўмдан жами 4 млрд. 211 млн. 979 минг 690 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган (2022 йил 25 сентябрдан 2022 йил 25 ноябргача) муддатларда амалга оширилишини билдирди. Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу учинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди: Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади. Овоз бериш натижалари қуйидагича: т/р тарафдорлар қаршилар бетарафлар 1 775 411 (100 фоиз) йўқ йўқ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Навоийдонмахсулотлари” АЖнинг бугунги навбатдаш ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркиби тасдиқлансин. 2. “Навоийдонмахсулотлари” акциядорларининг бугунги умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ва регламенти тасдиқлансин. 3. “Навоийдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти фаолиятининг 2021 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи қайта тасдиқлансин ҳамда жамиятнинг 9 млрд. 360 млн. 649 минг 533 сўм 51 тийин соф фойдаси қуйидагича қайта тақсимлансин. 2021 йил соф фойданинг 45 фоизини – 4 млрд. 212 млн. 292 минг. 290 сўмини акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Бунда ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун 200 сўмдан жами 312 минг 600 сўм ва ҳар бир оддий акциялар учун 4501,9358 сўмдан жами 4 млрд. 211 млн. 979 минг 690 сўм тўғри келаётганлиги ва дивидент тўловлари қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилсин. Дивидентлар 2022 йил 25 сентябрдан 2022 йил 25 ноябргача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг қайта тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси О.Йўлдошевга юклатилсин.

<p>Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав</p>	<p><a href="#">Загрузить</a> (/media/documents/%D0%A3%D0%BC%D1%83%D0%BC%D0%B8%D0%B9_%D0%B9%D0%B8%D2%93%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%88_%D2%9B%D0%B0%D1%80%D0%BE%D1%80%D0%B8.pdf)</p>
--	--

---

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Шарипов Шерали Исроилович
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Йулдошев Озод Савриевич
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Муҳидинов Матёкуб Шодмонович

---

**Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (<http://navoidon.uz>)**

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/8690>

Дата: 20.04.2026